КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАЁТГА!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ▲ № 73 (8813). ● 8 апрель, 1986 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.


## Ўртоқ М. С. Горбачев Куйбишевга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 7 апрель куни Москвадан Куйбишевга жўнаб кетди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## ЧИГИТ ЭКИШ КУНДАЛИГИ

## СОЗ ВА СИФАТЛИ

БУ ЙИЛ совхозимиз пахтакорлари 8 минг 550 тонна пахта етиштиришга аҳд қилишган. Ана шу мақсадда чигитни қисқа муддатларда экиб, ўз намига ундириб олиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда область пахтакорлар Совети тавсияларида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Мўл ва сифатли ҳосил учун кураш мусобақасида бўлимимиз деҳқонлари ҳам актив қатнашмоқдалар. Бу йил 625 гектар майдонга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганмиз. Асосий эътибор чигитни ернинг табиий намига ундириб олиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга қаратилмоқда. Энг биринчи навбатда сув танқислигининг олдини олиш учун зарур тадбирий чораларни кўриб чиқдик. Ариқ ва зовурлар тозаланди. Мавжуд насосларнинг ҳаммаси созлаб қўйилди. Ҳар бир литр сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида барча бригадалар малакали сувчилар билан таъминланди. Биз ерни экишга тайёрлашга ҳам алоҳида эътиборни қаратганмиз. Ерда табиий намни сақлаб қолиш мақсадида бороналаш ишларини тез ва сифатли ўтказдик. Кўп йиллик бегона ўт илдизлари териб олинди. Ерни экишга тайёрлаш пайтида фосфорли ўғитлар берилмаган майдонларга картограмма асосида минерал ўғитлар солинди.

Бу йил биз барча майдонларимизга С—48—80 навли чигит экаяпмиз. Чигит ивитишда гаммоз илдиз чириш касалликларига ва кузги тунлам қуртига қарши дорилаш ишининг сифатли бўлишини таъминламоқдамиз. Бу тадбир марказлашган усулда ташкил этилмоқда.

Бўлимимизда экиш кампанияси бошлангунга қадар барча техника воситалари шай ҳолатга келтирилди. Механик-ҳайдовчилар и м и з мавсумни 8 иш кунида якунлашга сўз бердилар. Айниқса, Н. Маҳмудов, Ш. Бойназаров, Т. Рустамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда дала ишлари намунали ташкил этилмоқда. Механик-ҳайдовчилардан И. Турсунов, Н. Раимбердиев ва М. Файзиевлар ўз агрегатларини қайта-қайта текширишдан ўтказдилар. Улар зиммаларига конкрет мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар, кунлик нормаларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Ҳосил соғлом ва бақувват кўчатдан олинади. Буни биз ўз тажрибамизда бир неча бор синаб кўрганмиз. Қулай келган ҳар бир фурсатдан унумли фойдаланамиз. Экишни оби-тобида ўтказиб, 1 Майга қадар барча майдонларда ниҳолларнинг бир текис униб чиқишини таъминлаймиз.

**Н. МАВЛОНОВ,**
**Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхози бўлим бошқарувчиси.**

**◆ ОҚҚЎРҒОН районидаги Вотинцев номли колхознинг Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори Абдували Расулматов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари бу йил чигит экишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Экин майдонлари ва техника барвақт тайёрланди. Куни кеча эса улар районда биринчилар қатори чигит экишни ҳам бошлаб юбордилар. Коллективнинг тажрибали механизатори Очил Орзиқулов ўз экиш агрегатини унумли ишлатиб, кунига 10—11 гектар ерга бараka уруғи қадамоқда. Съездлар йилида коллектив аъзолари 115 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 31 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилдилар. Суратда: бригада даласида чигит экиш пайти.**

**А. Зуфаров** фотоси.



## ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАМОҚДАЛАР

ЧИНОЗ районидаги К. Маркс номли колхоз пахтакорлари чигит экиш мавсумини тез ва сифатли ўтказиш, чигитни ернинг намига ундириб олиш учун аввалдан пухта ҳозирлик кўришди. Тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Колхозда бу йил жами 790 гектар майдонга С-48—80 навли чигит экилмоқда. Айни пайтда далаларда 13 та сеялка юксак унум билан ишлатилмоқда. Ерга уруғ қадаш ишларини биринчилар қатори бошлаб юборган Т. Бобоқулов етакчилигидаги бригада аъзолари белгиланган тадбирларни амалга оширишда хўжаликда намуна кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил бригада пахтакорларининг марраси янада юксак. Улар ҳосилдорликни 38 центнерга етказишмоқчи.

Коллективда механизаторлар ҳам намунали ишларни амалга оширишмоқда. Улар барча техника воситаларини муддатидан анча аввал тўла созлаб, старт чизиғига келтириб қўйишганди. Чигит экиш бошланган биринчи кунданоқ бригада механизатори Б. Мансуров ва сеялкачи М. Эргашевлар астойдил ғайрат билан ишга киришдилар.

Колхознинг Б. Омонов, И. Абдухаев ҳамда Ҳ. Суннатов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ишлар намунали ташкил этилган. Мазкур бригадаларнинг аъзолари илғорлар тажрибаси асосида иш юритиб, бу йил пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олишга бел боғлашган.

Умуман хўжаликда чигит экишни узоғи билан 6—7 кунда якунлашга ҳаракат қилинмоқда.

**Т. ЕРХУЖАЕВ.**

## ҒОЛИБ ЧИҚДИЛАР

БРИГАДА бошлиғи ҳозиргина экиш экипажи ўтган майдонларни синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Ҳаммаси жойида: тупроқда нам етарли, чигит нормал чуқурликка тушган. Галдаги вазифа уруғликни тезроқ ундириб олишдан иборат.

Бригадир шу хаёллар билан механизаторлардан Р. Алимов ва С. Тошпўлатовлар чигит экаётган майдонга ўтди. Улар агрегатларини бир зумга тўхтатишди.

Бригадир ва механизаторларнинг суҳбати қисқа, лўнда бўлди. Сўнг яна иш бошланди. Ҳар ким ўз вазифасини сифатли бажариш учун ҳаракат қилмоқда эди.

Пискент районидаги Охунбобоев номли колхознинг Аббос Салоҳиддинов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари съездлар йилида 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олишга аҳд қилишган.

Мўл ҳосил етиштириш йўлидаги дастлабки муҳим тадбир — чигит экиш сифатли амалга оширилмоқда.

**А. ИКРОМОВ.**

## БИРИНЧИ БЎЛИБ

**БЎКА районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари бу йил 640 гектар майдонда пахта етиштириб, ҳосилдорликни 35 центнерданга етказиш мажбуриятини олишган. Айни кунларда барча кучтехника воситалари чигитни тез ва сифатли экиб, ернинг табиий намига ундириб олишга қаратилган.**

**Хўжаликда жами 9 та сеялкадан унумли фойдаланилмоқда. Айниқса, Парда Имонов, Саодат Аҳмедова ва Гулзор Боймирзаева ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чигит экиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Механик-ҳайдовчи л а р д а н Алибой Шодмонов, Искандар Аҳмедов, Жалғас Болатоев, сеялкачилардан Ҳамид Эркабоев, Абдулла Тўйчиев ва Ёқуб Тошпўлатовларнинг фидокорона меҳнати туфайли бу бригадалар хўжаликда биринчилардан бўлиб экишни туғалладилар.**

**— Ҳали асосий кураш олдинда,— дейди бригадир Саодат Аҳмедова.— Биз далаларнинг ҳолатини синчиклаб текшириб бораяпмиз. Чигитларнинг тўла ва бехато униб чиқиши учун нимаики иш қилиш зарур бўлса барчасини амалга оширамиз.**

**О. ҲАМРОЕВ.**

## НАТИЖА КЎНГИЛДАГИДЕК

**ЯНГИЙЎЛ** районидаги «Партия XXI съезди» колхози чорвадорлари бу йил 250 тонна сут, 60 мингта тухум етиштириш, қўшни хўжаликларга 100 бош зотли ғунажин сотишга сўз берганлар. Ем-хашак етарли бўлгани учун қорамоллар рацион асосида озиқлантирилаяпти. Натижада маҳсулдорлик кўнгилдагидек бўлаяпти. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 123 килограммдан кўп сут соғиб олинди.

Соғувчилардан З. Алиева, Д. Ҳатамова, молбоқарлардан Х. Боймирзаева, С. Ғоиповалар кўплаб сифатли маҳсулот етиштириш учун ўзаро мусобақани тобора авж олдириб меҳнат қилмоқдалар.

**Х. МИРЗАЕВ.**

✦

## ПЛАНДАН ОШИРИБ

«ЭНЕРГОСТРОЙИНДУСТРИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг темир-бетон буюмлари тайёрлаш заводи асосан «Узбекгидроэнергострой» тресги шартномаси асосида маҳсулот тайёрлайди. Шунингдек, Янги Ангрен, Таллимаржон, Муборак иссиқлик маркази ва Тошкент қозонхоналари учун тўсинлар, пойдевор, керамзит-бетонли уй панеллари ишлаб чиқаради.

Кейинги пайтда корхонада маҳсулот сифати анча яхшиланди. Ишда тартиб-интизом ўрнатилди. Бракчиларга жиддий чоралар кўрилди. Прогулчилар, ишга кечикиб келувчиларга чек қўйилди. Натижада меҳнат унумдорлиги анча ошди. Дастлабки кварталга мўлжалланган план ҳам муддатидан 8 кун илгари ортиғи билан адо этилди. 6 минг 200 ўрнига 7 минг куб метрдан зиёд темир-бетон буюмлари тайёрланди. Бу қўшимча 600 минг сўмлик маҳсулот демакдир.

**М. МИРСУЛТОНОВ.**

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ МИНБАРИ

## БОШҚАРУВГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

**ОКТЯБРЬ Революцияси орденли Ўрта Осиё темирйўл бошқармаси бошлиғи Николай Андреевич БЕЛОГУРОВ КПСС XXVII съездидан бой таассуротлар билан қайтди. Меҳнат коллективларида, партия, совет, хўжалик активлари билан бўлаётган учрашувларда у съезд ғояларини кенг тарғиб этаяпти, барчанинг эътиборини янги беш йилликда қўйилган улуғвор вазифаларга қаратяпти. Делегатнинг мухбиримиз билан қилган суҳбати ҳам съезд якунларига, янги талаблар асосида бундан буён амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланди.**

**— Съездлар йилининг дастлабки квартали ҳам ўтди. Шу давр ичида Ўрта Осиё темирйўлчилари қандай ютуқларга эришдилар?**

— Темирйўлчилар беш йилликнинг биринчи йилида юк ташиш давлат планини 29 декабргача адо этиш ва қўшимча 20 миллион тонна халқ хўжалик юклари жўнатиш учун курашмоқдалар. Партиямиз XXVII съезди шарафига ўтказилган мусобақа давомида биз ички резервлардан тўлароқ фойдаланишга муваффақ бўлдик. Дастлабки икки ой давомида планга қўшимча 8 миллион тонна халқ хўжалик юклари манзилга элтиб берилди. Март ойида ҳам яхши натижаларга эришилди.

Бу йил ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш, илғор тажрибаларга амал қилиш йўли билан меҳнат унумдорлигини 2,5 процент ошириб, қўшимча 15 миллион сўмлик фойда олиш ҳам асосий вазифа қилиб қўйилган. Шу мақсадда кенг миқёсда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаяпти. Бу йил 634 километрлик иккинчи йўл муддатидан олдин ишга туширилади, 1052 километрлик йўл эса электрлаштирилади. Уларнинг бир қисми ҳозир фойдаланишга топширилган. Шу боисдан ҳам юк ташиш сезиларли даражада тезлашмоқда.

Умуман ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга биз КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан сўнг жиддий киришган эдик. Натижада юк ташиш йиллик плани 25 декабрдаёқ бажариб қўйилди. Бу йил яна ҳам кенг ҳажмдаги ишлар бажарилади. Эндиликда ишимизга илгаридек юк оборти ҳажмига қараб эмас, балки жўнатилган юк миқдорига қараб баҳо бериляпти. Шу боисдан юк ташиш жараёнларини ҳар томонлама такомиллаштириш, вақтдан самарали фойдаланиш, вагонлар обороти ва ҳаракат тезлигини ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

**— Вагонлар юкини бўшатиш ва уларни юклаш нормаларига бирор ўзгариш киритилдими?**

— Йўқ. Фақат вагонларни юклаш ва бўшатиш учун белгиланган вақтга риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди. Ҳали ҳам вагонларни беҳуда ушлаб тураётган ташкилотлар оз эмас. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси айби билан кейинги 18 кунда 82 та вагонга юк вақтида ортилмади. Олмалиқ мебель фабрикаси эса 37 та вагонни белгиланган муддатдан анча узоқроқ ушлаб турди. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекбирлашув» базаси раҳбарлари ҳам келган юкни вақтида бўшатиб олиш чораларини кўрмаяптилар. Айниқса, тунда юк олиб келган вагонлар пўлат изларда узоқ вақт туриб қолмоқда.

Умуман, кейинги икки ой ичида юк ортиш ва туширишда содир бўлаётган камчиликлар учун Тошкент темир йўл бўлинмаси бўйича 13 минг 117 та вагоннинг умри беҳуда ўтди. Агарда ҳар бир корхона раҳбари келган юкларни вақтида тушириб олиш чораларини кўрганида вагонлар обороти яна ҳам тезлашган, юк ташиш миқдори ортган бўлар эди.

**— Ўрта Осиёни мамлакат маркази билан боғловчи йўлларнинг юк ўтказиш қувватини ошириш тўғрисида съездда алоҳида гап бўлди.**

— Ҳа, бу соҳадаги вазифа мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида ҳам тилга олинган. Мамлакат маркази билан Ўрта Осиёни боғловчи йўлларнинг юк ўтказиш қувватини ошириш учун биз бу беш йилликда икки баравар кўп иш қилишимиз керак. Шу йилнинг ўзидаёқ йўлларни қайта қуриш ва жиҳозлашга сарфланадиган маблағ ўтган йилдагидан 25 процент кўпаяди. Эндиликда йўлларни электрлаштириш техника тараққиётининг энг муҳим бўғини бўлиб қолди. Бу тадбир жараёнларни тўла автоматлаштириш, иш унумдорлигини ошириш, ёнилғини тежаш имконини беради. Беш йиллик охирига бориб юк ташиш ишларининг 30 проценти электрлаштирилади, иккинчи йўллар эса икки марта узаяди. Ҳозир Тошкент узелида янги электровоз депоси қурилияпти. Яқин кунлар ичида саралаш станцияси қурилиши ҳам бошланади.

Поездлар тезлигини ошириш мақсадида икки минг километрлик йўл капитал ремонтдан чиқарилиб унга техник жиҳатдан янада пишитилган оғир типдаги рельслар ётқизилади. Бу рельсларнинг хизмат муддати мавжудларидан икки баравар кўпдир.

Асосий йўналишларда юк ташиш хизматида илғор усулларни кенг қўлланиш, контейнер ва пакетларда юк ташиш ҳажмини 1,5 марта ошириш вазифаси қўйилган. Бу энг самарали усулдир. Лекин кейинги пайтда контейнерларда юк ташиш планлари бажарилмаяпти. Корхоналар бу масалага жиддий муносабатда бўлмаяптилар.

**— Съездда қилинган докладларда ҳам, музокарада қатнашган нотиқларнинг сўзларида ҳам белоруссиялик темирйўлчилар тажрибаси такрор-такрор тилга олинди. Шу тажрибани Ўрта Осиё темир йўлида ҳам қўллаш мумкинми?**

— Албатта. Белоруссия темирйўл бошқармасида тўпланган тажриба ҳар жиҳатдан қимматлидир. Бошқарма ўтган йили ишни қайта қуриб кўп миқдорда ишчи кучини иқтисод қилишга, меҳнат унумдорлигини 15 процент, транспортчилар маошини эса 14 процент оширишга муваффақ бўлди. Ички ресурслардан самарали фойдаланиш, ортиқча штатларни қисқартириш, жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш туфайли шундай натижага эришилди.

Биз ҳам белоруссиялик ҳамкасбларимиз тажрибаси асосида иш юритишга қарор қилдик. Ҳозир ички резервлар тўла ҳисоблаб чиқилди. Энг аввало ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, ортиқча штатларни қисқартириш ҳисобига маош фондини бойитиш зарур деган хулосага келдик. Биргина бошқарув аппаратини 6 процентга қисқартириш имкони бор экан. Бошқа участкалардаги транспортчиларнинг иш шароитини ҳам ўрганиб чиқдик. Жиддий фикрлашувдан сўнг эндиликда машинист ёрдамчиларига, ёрдамчи поезд тузувчиларга, чорраҳа қоровулларига эҳтиёж қолмади деган хулосага келдик. Чунки кўпгина участкалар иши тўла автоматлаштирилган. Бу жараён янги беш йилликда яна давом этади. Илгари ишчилар бажарган жараёнларни энди техника ўз зиммасига олаяпти. Шу боисдан кўпгина ишчи кучларидан бошқа участкаларда фойдаланиш мумкин эди.

Ҳозир темирйўл транспортида ўн кишининг ишини 9 киши бажаряпти. Тежалган маблағ ҳисобига темирйўлчиларга тўланадиган маошни 14 процент ошириш имкони яратиляпти. Шунда фақат инженер-техник ходимларнинг маошига ҳар ойда 60—80 сўмдан қўшиб берилади.

Мамлакат бўйича бу йил биздан ташқари яна 7 та темир йўл бошқармаси белоруссияликлар усулида ишлашга ўтмоқчи. Шунда 100 минг ишчи кучи тежалади, темирйўлчиларнинг маоши сезиларли даражада ошади. Корхоналарнинг экономикаси яна ҳам мустаҳкамланади. Кўпгина социал масалаларни эндиликда ички ресурслар ҳисобига ҳал этиш имкони яратилмоқда, ўз-ўзини бошқариш бўйича корхоналарга кенг ҳуқуқлар берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда экономикани бошқаришда қайта қуриш давом этяпти. Съезд қўйган вазифаларни бажармоқ учун ишга янгича ёндошишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз лозим. Бошқарма партия комитети ҳозир съезд ғояларини ҳар бир темирйўлчига етказмоқда, коллективни съездда қўйилган улуғвор вазифалар билан қуроллантирмоқда. Белгиланган вазифалар аниқ, уларни бажаришга қодирмиз.

## ЯНГИ ИЖОДИЙ УФҚЛАР САРИ

Ҳаёт ҳақиқатига, санъатнинг партиявийлиги ва халқчиллиги идеалларига садоқат — кўп миллатли совет музикаси усталарининг ижодий йўналишини белгилаб бераётган компасдир. Улар халқни ғоявий-маънавий ва эстетик тарбиялашдек муҳим вазифани ҳал этишда партиянинг актив ёрдамчилари бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. 4 апрель куни Москвада ўз ишини тугатган композиторларнинг VII Бутуниттифоқ съезди шуни намойиш этди.

Якунловчи нутқ сўзлаган Т. Н. Хренников ижодий мунозаранинг бутун кайфияти замон талаблари билан, КПСС XXVII съезди тарихий қарорларининг руҳи билан ҳамоҳанг бўлди, деб таъкидлади. Композиторлар даврга, совет халқининг зафарларига муносиб бўладиган асарлар яратиш билангина партия ишончини оқлашлари лозим, уларнинг вазифаси — музикани жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда қудратли омилга айлантиришдан иборат.

Съезднинг якунловчи мажлисида П. Н. Демичев, А. Н. Яковлев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

* * *

Композиторларнинг VII Бутуниттифоқ съездида сайланган СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Т. Н. Хренниковни СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари этиб сайлади.

(ТАСС).

## КУЧИМИЗ— ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИДА

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси 5 апрель куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Конференция Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, СССР Фанлар академияси Президиуми ҳузуридаги миллий проблемалар илмий кенгашининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг ташаббуси билан чақирилган эди.

Москва, Киев, Тошкент, қардош республикаларнинг жамиятшунос олимлари, миллий муносабат соҳасидаги мутахассислари, партия ходимлари, идеология ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари уч кун мобайнида мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида рўй бераётган миллий жараёнларнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар. Докладлар ва ахборотларда В. И. Ленин васият қилиб қолдирган миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш, Ильич васиятларини янги шароитларда ижодий қўлланиш, социалистик Ватан халқлари бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлаш йўллари ёритиб берилди.

Сўзга чиққан кишилар ихтиёрийлик, тенглик, қардошларча ҳамкорлик асосида содир бўлаётган миллат ва элатларнинг равнақ топиши ҳам, уларнинг узлуксиз ўзаро яқинлашиши ҳам мамлакатимиздаги миллий муносабатларга хос хусусият эканини таъкидлаб ўтдилар.

(ЎзТАГ).

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

5 апрель куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари секретарларининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Давлат агросаноат комитетлари, ўлка ва областлар агросаноат комитетлари раисларининг, республика, ўлка ва область матлубот жамиятлари правлениелари раисларининг, район партия комитетлари секретарларининг, район агросаноат бирлашмалари раисларининг, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг, олимларнинг, колхоз ва совхозлар ҳамда агросаноат комплекси бошқа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Бирюкова, В. П. Никонов, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритиш иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев очди. Партия XXVII съездидан кейин орадан атиги бир ой вақт ўтди, деди у. Бу — стратегик қарорлар съезди бўлди. Съезд қабул этган программавий ҳужжатлар, унда ҳукм сурган бунёдкорона танқид руҳи совет жамиятининг ривожига чуқур таъсир ўтказмоқда. Съезд ўртага қўйган вазифалар амалга оширила борган сайин унинг ғоялари ва йўл-йўриқлари ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига ўтказадиган таъсир тобора ошиб бораверишига шак-шубҳа йўқ.

Партия марказда ва жойларда белгиланган режаларни рўёбга чиқариш соҳасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни авж олдириб юборди. Ҳамма жойда омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урмоқда. Меҳнат коллективларининг ўн иккинчи беш йиллик биринчи йилининг халқ хўжалик планларини муддатидан олдин бажариш йўлидаги ва беш йилликнинг дастлабки икки йили режаларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бажариш йўлидаги ҳаракати кенгаймоқда.

Марказий Комитет съезд Резолюциясини, Марказий Комитет Сиёсий докладининг ғоялари ва йўл-йўриқларини бажариш юзасидан биринчи навбатдаги ва истиқбол тадбирларини аниқлаб олди. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросида ва Секретариатида кўриб чиқиладиган масалалар рўйхати белгиланди.

Съезднинг топширувига биноан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мамлакат ёқилғи — энергетика комплексини бошқариш, капитал қурилишни норматив муддатларга ўтказиш, меҳнатсиз даромад топиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш сингари муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Партия XXVII съезди жуда қисқа муддатда мамлакатнинг озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминланишига эришишдан иборат алоҳида муҳим вазифани ўртага қўйди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия XXVII съездининг қарорларига амал қилиб, мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми тўғрисида қарор қабул этдилар. Партиянинг бу принципиал муҳим сиёсий ҳужжати ўртоқ М. С. Горбачевнинг ташаббуси билан ва унинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилди.

Аграр сектордаги хўжалик механизмини такомиллаштиришни тўла-тўкис хўжалик ҳисоби муносабатларини, сохта эмас, балки ҳақиқий, қисман эмас, балки тўла хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлидан, агросаноат комплексининг ҳамма бўғинларини, аввало колхоз ва совхозларни ўз харажатларини ўзлари қоплайдиган, ўзини-ўзи пул билан таъминлайдиган ҳолатга ўтказиш йўлидан борадиган қилиб планлаштирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Хўжалик ҳисоби — агросаноат комплексини ривожлантиришнинг тўппа-тўғри йўлидир. Таъсирчан хўжалик ҳисобисиз реал равишда амал қиладиган самарали иқтисодий механизм тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини қатъий уқиб олмоқ керак. Партия билан хукумат қабул этган ҳужжатда баён қилинган иқтисодий чора-тадбирлар худди шу мақсадни кўзлайди.

Хўжалик юритиш шароитлари бутунлай ўзгариб бораётганини кўриб турибсизлар. Агросаноат комплексини бошқариш ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш партия, совет ва хўжалик органларининг зиммасига қишлоқ хўжалигига раҳбарликка бошқача ёндашиш мажбуриятини юклайди, уларнинг иш услуби ва методлари ўзгартирилиши керак бўлади.

Кадрлар сиёсати партия комитетлари фаолиятининг марказида туриши керак. Кадрларимизга омилкорлик, ижодий дадиллик, билимдонлик, чуқур иқтисодий фикрлаш ҳислатларини сингдириш — партия ташкилотларининг энг муҳим ишидир. Ҳозир жамиятда содир бўлаётган қайта қуришнинг моҳияти мана шундан иборат. Бу қайта қуришнинг бутун мураккаблиги ҳам мана шундан иборат. Башарти қишлоқ хўжалик корхоналарида билимдон мутахассислар ва раҳбарларнинг бақувват состави бўлмаса, ҳеч қандай иқтисодий чора-тадбирлар етарли самара бермайди, деб таъкидлади Е. К. Лигачев. Бу гап оммавий касблардаги кадрларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Е. К. Лигачев агросаноат ишлаб чиқаришига ва фанига партиявий раҳбарлик тўғрисида гапириб, маҳаллий партия комитетларининг агросаноат комплекси бошқарув органлари фаолияти учун масъул эканликларини таъкидлади. У бундай деди: эндиликда, агросаноат комплексини бошқаришнинг ягона органлари дастлабки қадамларни қўяётган бир пайтда улар **ўз** ҳуқуқларидан фойдаланишларини, ўз **вазифа**ларини ижро этишларини, **ҳар бир** бошқарув поғонасининг **конкрет** масъулиятини эслатиш айниқса, ўринлидир. Агар турли поғоналардаги бошқарув органлари бир-бирининг ишларини такрорлайдиган бўлса, уларнинг вазифалари ва функциялари қориштириб юбориладиган бўлса, агросаноат комплексини бошқаришнинг ташкилий қайта қурилишидан ҳеч қандай наф чиқмайди. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Агросаноат комплекси бошқарув органларининг бошланғич партия ташкилотлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.

Агар: партия билан ҳукумат агросаноат комплексининг хўжалик механизми масалалари юзасидан қабул қилган ҳужжатнинг ўзига хос энг муҳим хусусияти нимадан иборат? — деган савол қўйиладиган бўлса, жуда қисқа тарзда қуйидаги жавобни бериш мумкин. Колхозларнинг, совхозларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг, шунингдек территориал бошқарув ва раҳбарлик органларининг хўжалик ҳуқуқларини кенгайтириш, иқтисодий манфаатдорлигини кучайтиришгина эмас, маҳаллий аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун уларнинг масъулиятини ошириш ҳам мана шундай хусусиятдир.

Марказий Комитет маҳаллий имкониятлардан фойдаланиш йўли орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш учун областлар ва республикаларга нисбатан талабни оширади. Шу мақсадда Марказий Комитетда Новосибирск ва Ворошиловград область партия комитетларининг ҳисоботлари тингланди. Бу соҳада маҳаллий органларга нисбатан талаблар оширилаверади.

Энг муҳим вазифа шундан иборатки, деди сўзининг охирида Е. К. Лигачев, экономиканинг аграр секторини бошқаришни ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан қайта қуришдан, мамлакатнинг агросаноат комплексини иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришга ажратилган маблағлардан юксак самара олиниши, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажми анча кўпайтирилиши, уни етиштириш учун қилинадиган солиштирма чиқимлар камайтирилиши лозим.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский доклад қилди.

Масалани муҳокама қилишда РСФСР Давлат агросаноат комитетининг раиси Л. Б. Ермин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. А. Мозговой, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. И. Дементей, Қозоғистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси Э. Х. Гукасов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. А. Антонов, Ростов область Октябрь районидаги «Придонский» совхозининг директори Е. А. Головчанский, Олтой ўлка агросаноат комитетининг раиси А. А. Кулешов, Краснодар ўлкасидаги «Кубань» агросаноат комбинатининг бош директори М. М. Ломач, Брянск область Новозибковский район партия комитетининг секретари И. П. Такунов қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни уқтириб ўтдиларки, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети мамлакат агросаноат комплексидаги хўжалик юритиш иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, партия XXVII съезди ўртага қўйган вазифани ҳал этишда — ишлаб чиқаришни муттасил ўстиришга, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта равишда таъминлашга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Кенгашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси бўлган дон етиштиришни кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлашнинг амалий тадбирлари кўриб чиқилди.

Конкрет мисолларда колхоз ва совхозларга берилаётган рағбатлантириш тадбирлари хўжаликни самаралироқ юритиш, дон етиштириш рентабеллиги даражасини ошириш имконини яратади. Дон сотиш планларини ошириб бажарган хўжаликларга рағбатлантириш тарзида фондларга қўшимча равишда автомобиллар, тракторлар, қурилиш материаллари ва бошқа камёб ресурслар сотилади.

Қарорда дон етиштиришни рағбатлантириш билан бир қаторда ундан рационал фойдаланганлик учун масъулият оширилиши ҳам кўзда тутилган. Ярославль области бўйича тузилган справкани назардан ўтказайлик. Агар бундан 15 йил муқаддам сут чорвачилигида озуқа структурасида 20 процент пичан, 35 процент ширали озуқалар, шунча процент яйлов озуқаси ва фақат 10 процент концентрат ташкил этган бўлса, эндиликда пичан улуши икки баравар, яйлов озуқалари бир ярим баравар камайди.

Дон етиштириб берилаётган ерларда ҳам ундан тежаб-тергаб фойдаланилаётгани йўқ. Ўзбекистон ССРда бир литр сут соғиб олиш учун ўртача 520 грамм концентрат сарфланмоқда. Чўчқаларни бир килограммга семиртиришга эса 10 килограмм дон еми сарфланмоқда. Озарбайжон ССРда ҳам аҳвол худди ана шундай. Бу дон ресурсларини очиқдан-очиқ исроф қилишдир.

Эндиликда ем учун дон ажратишнинг бошқача тартиби жорий этилмоқда. Чорвачиликни оқсил озуқаси билан баланслаштирилган тарзда таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш учун бутун жавобгарлик агросаноат комитетлари зиммасига юклатилади. 1987 йилдан бошлаб омихта ем, оқсил-витаминли қўшимчалар ва уларнинг турларини ишлаб чиқариш программасини республикаларнинг ўзлари белгилайдилар.

Нотиқларнинг сўзларида ва докладда дон харид қилишнинг ҳар бир йилга мўлжалланган барқарор планларининг белгилаб қўйилиши, иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини марказлаштирилган фондларга етказиб беришга ўтиш маҳаллий органларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шундай маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашдаги манфаатдорлигини кучайтиришга ҳамда жавобгарлигини оширишга ёрдам бериши таъкидлаб ўтилди.

Бунинг учун колхоз ва совхозларгагина эмас, шунингдек саноат корхоналари, ишчилар ва колхозчиларнинг ёрдамчи хўжаликлари учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилади. Қарорда шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган ва матлубот кооперациясига сотилган гўшт колхоз ва совхозларнинг харид планларида ҳисобга олиниши кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда асосий эътибор колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилиши керак.

Матлубот кооперацияси ташкилотларига ва колхоз бозорларида планли тарзда харид қилинган картошканинг, мева-сабзавот маҳсулотининг 30 процентга қадар ва пландан ташқари ҳамма маҳсулотнинг (буларни давлат плани бажарилишига киритган ҳолда) сотишга рухсат берилиши сабзавот ва картошка етиштиришни жадал кўпайтиришга, шу маҳсулотнинг нобудгарчилигини камайтиришга хизмат қилади. Агросаноат комитетларига сабзавот, мева, картошка ва бошқа тез айнийдиган маҳсулотларга чакана нархлар белгилаш, шунингдек айрим озиқ-овқат товарларини (қиёмлар, шарбатлар, конфитюрлар, консервалар) ўзларига қарашли магазинларда сотилаётганида рағбатлантирувчи нархлар белгилаш ҳуқуқи берилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштиришга кўп эътибор бердилар. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харидини планлаштиришнинг норматив методига ўтказишни амалга ошириш, шунингдек ерни иқтисодий баҳолашни, асосий фондлар билан, меҳнат ва бошқа ресурслар билан таъминланганликни ҳисобга олиб моддий-техника воситаларини тақсимлашга ўтиш кенгаш қатнашчиларининг фикрича, планларнинг объективлиги ва реаллигини ошириш, хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш учун жавобгарлигини кучайтириш имконини беради.

Қарорда агросаноат комплексида нархнинг юзага келишини, маблағ билан таъминлаш ва кредит беришни яхшилаш, ана шу масалаларни ҳал этишда маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш юзасидан тадбирлар системаси белгиланди. Кенгашда агросаноат комплексидаги колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотлар учун қулай молиявий вазият, улар экономикасини янада мустаҳкамлаш учун бериб қўйилган ҳуқуқлар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди.

СССР Давлат агросаноат комитети ва унинг жойлардаги органлари қисқа муддат ичида барча қишлоқ хўжалик, қайта ишлаш ва бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларини коллектив пудрат ва хўжалик ҳисоби шароитларига ўтказиш учун катта ишларни бажаришлари лозим. Бу — дала ва фермалар маҳсулотини арзонлаштириш, колхоз ва совхозлар ўз харажатларини ўзлари қоплашларига жадаллик билан ўтишлари учун энг тўғри йўлдир. Маҳсулот етиштириш учун асосланган топшириқлар, харажатлар нормативларини тайинлаш, пировард натижалар учун мукофотлар белгилаш юзасидан қунт билан иш олиб бориш талаб этилади.

Ана шу жараёнларга таъсир ўтказиш механизми қарорда кўзда тутилган: тежаб қолинган маблағларнинг 70 процентини рағбатлантириш тартибида тўлаш мумкин, агар маблағ ортиқча сарфлаб юборилса у меҳнатга ҳақ тўлаш ёки мукофотлаш фонди маблағларидан қопланади.

Хўжалик ҳисобини янада такомиллаштириш ва чуқурлаштириш колхоз ва совхозларнинг бошқарувнинг цех структурасига ўтиши билан боғлиқ қилиб қўйилади. Бу эса етарли даражада оператив — хўжалик мустақиллигига эга бўлган, замонавий техника ва илғор технологияни самарали қўлланишга ва шу асосда кам харж қилиб кўпроқ маҳсулот олишга қодир бўлган бошланғич хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларни ташкил этиш имкониятини беради.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ишида иқтисодий ишнинг, моддий ва маънавий омилларнинг роли ва аҳамиятига етарли баҳо бермаслик фактлари борлигини кўрсатиб ўтдилар. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг муайян қисми меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги шартларини, хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратни ташкил этиш принципларини, корхоналар ишини планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш методларини яхши эгаллаб олмаганлар, буни иқтисодчилар ва бухгалтерлар иши деб биладилар. Бундай ёндашув жиддий тарзда қораланиши лозим. Ишлаб чиқариш раҳбарлари хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизмининг ҳамма қоидаларини яхши ўзлаштириб олишлари лозим. Бусиз ишлаб чиқилган тадбирлар зарур даражада самара бермайди.

Кенгашда ишлаб чиқариш тараққиётини жадаллаштиришнинг моддий омиллари ва унинг самарадорлигини ошириш ҳозир давлат ва технология интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва ижодий активлигини ошириш билан, агросаноат ишлаб чиқариши ҳамма участкаларини малакали кадрлар билан таъминлашни қўшиб олиб бориш жуда муҳимлигига эътиборни қаратдилар.

Қарорда капитал қурилишни ташкил этиш соҳасида катта ўзгаришлар бўлиши кўзда тутилган. Ана шу кўзда тутилаётган тадбирлардан қишлоқдаги қурилишнинг аҳволини яхшилаш учун тўлароқ фойдаланиш муҳимлиги хусусида кенгашда таъкидлаб ўтилди. Сифат жиҳатдан янги қурилиш ташкилатлари — давлат-кооператив ва кооператив-давлат қурилиш бирлашмаларини ташкил этишни ниҳоясига етказиш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда ҳуқуқ статусини белгилаш учун ҳамма зарур ишларни қилиш керак.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори кундалик ишларга, кўкламги дала ишларини, чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга, ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили бўлган 1986 йил план топшириқларини бажаришга ҳам қаратилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов ўз нутқида таъкидлашича, ҳозир партия ўзининг XXVII съездига тайёргарлик чоғидаги фикр-ўйлари бутун қудратини энди конкрет ишлар қудрати ва моҳиятига айлантириб, съезднинг муҳитини ва унинг яшартувчилик кучини кундалик ҳаётда сақлаб қоладиган пайт келди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорида планлаштиришнинг эски принципларидан воз кечиш кўзда тутилган. Жойлардаги ташаббусларни ривожлантиришга, маҳаллий қишлоқ хўжалик ва хом ашё ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланишга асосий эътибор берилган. Белгиланган режаларнинг ҳаммасини сифатли, малакали тарзда ижро этиш, албатта, энг муҳим вазифадир, бинобарин, барча кадрларимиз — ҳам партия, ҳам совет, ҳам хўжалик кадрларимиз қарорнинг ҳамма қоидаларини, унинг ҳамма нозик жиҳатларини ва тафсилотларини синчиклаб ўрганиб ва ўзлаштириб олишларига, ҳар бир ходим ўзига топширилган соҳада ишнинг кўзини билиб, зўр ғайрат билан, барча ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиб, айниқса, янгиликка йўл очиш зарур бўлганида, масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимай ҳаракат қиладиган бўлишига эришиш керак.

Бироқ ташаббускорлик ва омилкорликни кенг миқёсда ривожлантиришни белгилаб берувчи омиллардан бири бўлмиш психологияни қайта қуриш жараёни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст бормоқда. Турли поғоналардаги агросаноат комплексининг кўпгина раҳбарлари марказдан бошланадиган ҳамма яхшиликларни табрикламоқдалар ва маъқулламоқдалар. Айни вақтда улар ҳар бир хўжаликнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциалидан жуда тўла-тўкис фойдаланиш тўғрисидаги, хўжалик ҳисобини ва коллектив пудратни жорий этишда расмиятчиликдан қатъиян халос бўлиш, деҳқончилик ва чорвачиликда интенсив технологияларни жорий этиш, ем-хашак етиштиришнинг, маҳсулотни тўла сақлаб қолиш ва ғоят сифатли қайта ишлашнинг моддий базасини барпо этишни тугаллаш тўғрисидаги талабларни оғизда завқ-шавқ билан кутиб олсалар ҳам, амалда ҳаддан ташқари сусткашлик қилмоқдалар.

Донли, мойли ва сероқсил экинлар ҳамда бошқа экинлар учун улар ўзлари кўзда тутган майдонларга қатъий риоя этиш ва шу майдонларнинг қисқаришига йўл қўймаслик зарур.

В. П. Никонов хўжалик юритишнинг янги иқтисодий механизмини амалда жорий этишда партия комитетларининг муҳим ролини уқтириб ўтди ва агросаноат комплекси кадрларини танлаш, ўқитиш ва тарбиялашни тубдан яхшилаш зарурлигига эътиборни қаратди. Бу муҳим соҳадаги вазият ташвиш туғдирмоқда. Бир қанча республикалар, ўлкалар ва областларда колхоз раислари ва совхоз директорлари жуда тез-тез ва асоссиз равишда алмаштирилаётганини кўрсатувчи фактлар кўп. Ҳолбуки, айни эътироф қилинган раҳбарлар кўп йиллар ишлаган хўжаликларда далаларнинг энг юксак ҳосилдорлигига ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига эришилаётганини анализ кўрсатиб турибди.

СССР Давлат агросаноат комитети, унинг жойлардаги органлари амалий масалаларни ҳал этишни дадилроқ ва активроқ ўз зиммаларига олишлари, маъмуриятчилик ва буйруқбозликдан қатъиян воз кечишлари, мамлакатни озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш вазифасини жуда қисқа муддатда ҳал этиш учун хўжалик юритишнинг асосан иқтисодий методларига таянишлари керак.

Е. К. Лигачев кенгаш охирида сўзга чиқиб, КПСС XXVII съезди талаблари руҳида ўтган кенгашнинг ишчан, амалий характерини уқтирди ва кенгашда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мамлакатнинг агросаноат комплекси олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

**(ТАСС).**

## Газетхонлар билан учрашув

КПСС XXVII съезди оммавий ахборот воситалари олдига ишни давр талаблари асосида қайта қуриш вазифасини қўйди. Матбуот органларининг материаллар таъсирчанлигини ошириш, чуқур мулоҳазали, жонли ҳаёт нафаси сезилиб турган оператив мақолаларга кенг ўрин бериши кераклиги таъкидланди. «Тошкент ҳақиқати» газетхонларининг Тошкент районида ўтказилган конференциясида ҳам гап ана шу ҳақда борди. Газета редакторининг ўринбосари С. Мусаев коллективнинг бу йилги ижодий режалари ҳақида гапириб берди.

Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари А. Т. Тўрахонов район меҳнаткашларининг съезд қарорларини бажариш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталди. Учрашувда «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинаётган материаллар, редакция ишини янада яхшилаш юзасидан қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Ҳ. Сайдалиева, Тошкент район партия комитетининг секретари:** — Газетада оила, одоб-ахлоқ ва тарбия мавзуидаги материаллар кам ёритилмоқда. Ҳозир хотин-қизларни жамоат ишларига жалб этиш, ижтимоий-фойдали меҳнат билан кенгроқ шуғулланишларига имконият яратиб бериш жуда муҳим вазифа бўлиб турипти.

**А. Иброҳимов, «Ленинград» совхози партия ташкилотининг секретари:** — Инсон омилини ошириш учун меҳнаткашлар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, уларнинг дам олиши, бўш вақтини кўнгилли ўтказиш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Бу соҳада жойларда тўпланаётган тажриба газетада хилма-хил формаларда ўз ифодасини топсин.

**И. Султонова, 4-мактаб ўқитувчиси:** — Мактаб ислоҳоти билан боғлиқ масалалар қанчалик маҳорат билан ёритилса биз маориф ходимларига шунча яхши ёрдам берган бўлур эди. Маорифимиз жонкуярлари ҳақида қизиқарли лавҳа ва очеркларни, турли темалардаги фельетон, мулоҳазали мақолаларни ўқишни истаймиз.

Шунингдек, «Шонли меҳнат» район газетасининг редактори П. Нишонов, Собир Раҳимов номли колхоз аъзоси Т. Нурматов, 2-музика мактаби ўқитувчиси Ф. Шукурова, 6-мактаб ўқувчиси Х. Эшонхонова ўртоқлар ҳам журналистлар эътибор қаратиши лозим бўлган конкрет мавзуларни айтиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Районда «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг янги мухбирлар пости тузилди.

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

# КПСС УСТАВИ — ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ

Партия Программаси ва Устави энг муҳим партиявий ҳужжатлар бўлиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсий, ғоявий ва ташкилий негизларини очиб беради. Агар Программа партиянинг ғоявий якдиллиги негизи ҳисобланса, Устав унинг ташкилий ўзагидир. Уставда партияга таъриф берилган, унинг ижтимоий тараққиётдаги раҳбарлик роли очиб кўрсатилган, партиянинг марксча-ленинча ташкилий принциплари, партия ички ҳаёти нормалари, партия ташкилотлари фаолиятининг шакллари ва усуллари мустаҳкамланган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ишчилар синфининг революцион партияси тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқишда партия Уставини тайёрлашга алоҳида эътибор бердилар. Улар бу Уставда партия сафларини мустаҳкамлаш, коммунистларни муштарак программ, сиёсий ва ташкилий принципларда ягона фикрловчи ва якдил бўлиб ҳаракат қилувчи жанговар иттифоққа бирлаштиришнинг қудратли қуроли деб қарадилар.

В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг коммунистлар партиясининг раҳбарлик роли, унинг ташкилий қурилиши ва фаолият усуллари тўғрисидаги ғояларини янги тарихий шароитларда ижодий ривожлантириб, янги типдаги пролетар партияси, у К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ташкил этилган Коммунистлар союзи ва I Интернационалнинг муносиб вориси эканлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Лениннинг тарихий хизмати большевиклар партиясининг Уставини яратганидадир.

Партиянинг ташкилий принциплари В. И. Лениннинг «Бир қадам олға, икки қадам орқага» китобида ва бошқа китобларида чуқур илмий ишлаб чиқилди. В. И. Ленин партиянинг ташкилий асослари амалда рўёбга чиқиши учун партия қурилиши практикасида биринчи бўлиб партиянинг ички ҳаёти нормалари (қоидалари)ни, партиянинг раҳбарлик принципларини ишлаб чиқди, улар партия Уставида мустаҳкамланди. Партия ҳаёти нормалари ва раҳбарлик принциплари Уставга кириб, партиявий қонун кучини олди, бу қонун ҳар бир партия ташкилоти учун, партияда эгаллаб турган мавқеидан қатъий назар барча коммунистлар учун бир хил мажбурийдир.

В. И. Лениннинг партия қурилишининг буюк назариётчиси ва ташкилотчиси сифатидаги хизмати яна шундаки, у янги типдаги партиянинг Устави қандай бўлишини, унинг II Интернационалнинг реформистик партиялари уставларидан фарқ қилувчи асосий хусусиятларини илмий кўрсатиб берди. КПСС XXVII съезди материалларида айтилганидек, партия Уставининг энг муҳим фарқ қилувчи хусусияти шундаки, у партия Программаси билан узвий боғлангандир, партиянинг ғоявий ва ташкилий асослари ягоналигидан мантиқан келиб чиқади.

«Программа масалаларида ва тактика масалаларида бирлик бўлиши партияни бирлаштириш, партия ишини марказлаштириш учун зарур шарт, лекин бу шартгина кифоя қилмайди..., — деб кўрсатган эди В. И. Ленин. — Партия ишини марказлаштириш учун ташкилот бирлиги ҳам керак: ўсиб оилавий тўгарак доирасидан бирмунча чиққан партияда расмийлашган устав бўлмаса, озчилик кўпчиликка, бўлак бутунга бўйсунмаса, бу бирликнинг бўлиши мумкин эмас».

КПСС Устави партиянинг энг муҳим ҳужжатидир. У Программадан фарқли равишда анча оператив, мослашувчан ҳужжатдир. Партиямиз ташкил этилгандан буён Программа уч марта қабул қилинди, Устав эса 13 марта қабул қилинди. Бу табиий ҳолдир. КПСС тирик сиёсий организм бўлиб, у жамиятнинг революцион қайта ўзгариши, коммунистик формация қурилиши билан узвий боғланган ҳолда доим ривожланиб боради. Партия тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзининг бош йўлини сақлагани ҳолда янги вазифаларни олдинга суради. Ишни ташкил этишнинг анча замонавий формалари ва усулларини қидириб топади. Шуларнинг ҳаммаси партия Уставига шунга мувофиқ ўзгартишлар киритиш заруратини келтириб чиқаради.

Партиямизнинг XXVII съездгача амалда бўлган Устави КПССнинг XXII съездида қабул қилинган эди. Партиянинг XXIII ва XXIV съездлари конкрет вазиятни ҳисобга олиб, унга қисман ўзгартишлар киритди. Бу ўзгартишлар партиянинг сифат составини янада яхшилаш, партия ички демократиясини ривожлантириш, партия интизомини мустаҳкамлаш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш, коммунистларнинг Устав вазифаларини бажаришдаги масъулиятини кучайтириш, партия ташкилотлари фаолиятининг форма ва усулларини такомиллаштиришга қаратилган эди.

Партия XXVII съездида Уставга киритилган ўзгартишларни ҳаётнинг ўзи талаб этди. Уставни КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси қоидаларига, унда олдинга сурилган талабларга мувофиқлаштириш зарурлиги тақозо этди. Чунки, амалдаги КПСС Устави қабул қилинганидан бери чорак аср ўтди. Шу даврда партиянинг асосий қонунида ўз аксини топишни талаб этувчи кўпгина янги масалалар юзага келди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съезди томонидан қабул қилинган Уставдаги ўзгаришларнинг моҳиятини, асосий йўналишини ишончли қилиб очиб берди. Сиёсий докладда таъкидланишича, партиямиз Марказий Комитети Устав лойиҳасига коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, ҳар бир партия ташкилоти фаолияти, ҳар бир ходим иши устидан доимий назорат ўрнатилишини таъминлашга қаратилган қатор муҳим қўшимчалар ва аниқликларни киритишни зарур деб ҳисоблади. Янги таҳрирдаги Программа, шунингдек, партия Уставига киритиш учун таклиф этилган ўзгартишлар Ленин томонидан ишлаб чиқилган партия қурилишининг, партия ишининг услуб ва усулларининг амалда синовдан ўтган большевистик принципларини, коммунистлар ахлоқининг одоб нормаларини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради.

КПСС XXVII съездида қабул қилинган Программа ва Уставда партиямизнинг синфий табиати ўзгармаслиги таъкидланади, унинг совет жамиятидаги роли ва аҳамияти янада тўлароқ ифодалаб берилади. «Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади, — дейилади КПСС Уставида. — У ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги, раҳбар ва етакчи кучидир. Партия мамлакат тараққиётининг бош истиқболини белгилаб беради, халқнинг бунёдкорлик фаолиятига илмий раҳбарликни таъминлайди, унинг пировард мақсадга — коммунизм ғалабасига эришиш йўлидаги курашига уюшган, планли ва аниқ мақсадни кўзловчи характер бахш этади».

